

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФАРМАНОВА МАХТОБ АЛИМОВНА**

**БРУЦЕЛЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИДА АНТИОКСИДАНТ ТИЗИМИ  
КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ БАҲОЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Фарманова Махтоб Алимовна**

Бруцеллёз инфекциясида антиоксидант тизимни  
клиник-биокимёвий баҳолаш  
ва даволашни такомиллаштириш ..... 3

**Фарманова Махтоб Алимовна**

Клинико-биохимическая оценка антиоксидантной системы  
при бруцеллёзной инфекции  
и совершенствование тактики лечения ..... 23

**Farmanova Makhtob Alimovna**

Clinical and biochemical assessment  
of the antioxidant system in brucellosis infection  
and improvement of treatment tactics ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФАРМАНОВА МАХТОБ АЛИМОВНА**

**БРУЦЕЛЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИДА АНТИОКСИДАНТ ТИЗИМИ  
КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ БАҲОЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1691 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Касимов Илҳамджан Асомович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедова Муборахон Джалиловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ибадова Гулнара Алиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Л. Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б. М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бруцеллёз касаллиги ветеринария ва соғлиқни сақлаш соҳасининг долзарб муаммоси ҳисобланиб, аҳоли ўртасида касалланиш хавфи ошиб бормоқда. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, «...ҳар йили 500 мингдан ортиқ янги бруцеллёз ҳолатлари қайд этилади»<sup>1</sup>. Инсонларда бруцеллез касаллигини тарқалиши, Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларида энг юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, кўп йиллар давомида ушбу касаллик бўйича эндемик регионлардан бири бўлиб ҳисобланиб келмоқда. Бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланиш даражасининг устунлиги, беморларни узок муддатга иш қобилиятини йўқотиши ва ҳатто ногиронликка олиб келиши ҳамда давлатлар иқтисодиётига сезиларли таъсири сабабли, ушбу инфекцияни ташхислаш ва самарали даволаш амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда бруцеллёз билан касалланган беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, бруцеллёзнинг сурункали шакллари клиник хусусиятларини баҳолаш, бруцеллёзнинг сурункали шакли билан касалланган беморларнинг қон зардобидида малондиальдегид миқдорини касалликнинг кечиши бўйича таҳлил этиш, беморларнинг қон зардобидида умумий антиоксидант фаоллик ва каталаза фаоллигини касалликнинг кечиши бўйича аниқлаш, бруцеллёзнинг сурункали шакли билан касалланган беморларда липид перекисли оксидланиш/антиоксидант тизим орасидаги боғланишларни касалликнинг клиник кечиши билан боғлиқлигини аниқлаш, бруцеллёз касаллигининг сурункали шакллари даволашни такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини амалиётига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш аҳоли орасида турли юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш, тиббий хизмат сифатини

<sup>1</sup>Онищенко Г.Г., Куличенко А.Н. Бруцеллёз. Современное состояние проблемы. М., – Ставрополь, 2019. – 336 с.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

янги босқичга кўтариш орқали касалликлар оқибатида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бруцеллэзнинг ўзига хос кечиши, инфекциянинг сурункали шаклга ўтиши ҳамда касалликни асосан меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида учраши, узоқ муддат меҳнат қобилиятини йўқотиши ва ногиронликка олиб келиши бруцеллэз муаммосининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини белгилайди (Валиев А.А., Касымов И.А., Азимов Ш.Р., 2010, Ниязова Т.А., Нуруллаев Р.Р., 2016). Ҳозирги кунда кўпгина патологияларнинг келиб чиқишида эркин радикалли механизмлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бруцеллэз касаллигида ҳам ушбу жараёнлар устун бўлиб, антиоксидантларни қўллаш заруратини кўрсатади. Уларнинг асосий таъсир этиш механизми биомембраналарда липидларни перекисли оксидланиш ингибирлаши ҳисобига, уларнинг структура ва функциясини тиклайди, бу эса организмда гомеостаз тикланишига, патоген омилларга нисбатан резистентликни оширади (Магомедов Р. К., Ахмедов Д. Е, 2007; Джалалова Н. А., Атамухамедова Д. М., Бурибаева Б. И., 2014). Оксидланган эркин радикаллар фойдали функцияни бажариши мумкин, жумладан, нейтрофиллар, макрофаглар уларни кўп ишлаб чиқариб бактерия хужайрасини фагоцитозлайди (Гладилина Е. Г., 2006). Қон зардобидаги малондиальдегид концентрацияси беморда липид перексидланиш жараёнларининг фаоллигини акс эттириб, эндоген интоксикация даражасининг белгиси бўлиб хизмат қилади (Абусуева А. С. ва бошқалар, 2018).

Бруцеллэзнинг сурункали шакли билан касалланган беморларнинг қон зардобида периоксид радикалларининг кўпайиши ва миелопероксидаза фаоллигининг ошиши, каталаза фаоллигининг ингибирланиши аниқланган

(Skendros P. et al., 2011). Ўтказилган тадқиқотларда бруцеллэзда липидларни перекисли оксидланиши жадаллашиб, антиоксидант тизимининг сусайиши натижасида организмнинг адаптив имкониятлари сусайиб, касалликнинг сурункали шаклига ўтишига сабаб бўлиши аниқланган (Фазылов В.Х. ва бошқалар, 2014, Гаджиева Л. А., 2019). Бруцеллэз ривожланишининг молекуляр механизмларини ўрганиш, яллиғланиш жараёнлари ва касалликнинг сурункали шаклига ўтишида антиоксидант ҳамда иммун тизимлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Бу эса даво муолажаларига антиоксидант ва иммунотроп терапия ўтказилишини, даво муолажаларини такомиллаштиришни талаб этади.

Мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бруцеллэз билан касалланиш кўрсаткичлари нисбатан юқориликча қолмоқда, бу эса ўз ўрнида ушбу касалликни эрта ташхислашни ҳамда даволаш тадбирларини такомиллаштиришни тақозо қилади. Бруцеллэз билан касалланган беморларни эрта ташхислаш, даволашнинг замонавий тамойилларини ишлаб чиқиш инфектологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ «Бухоро минтақаси иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатлари эрта ташхис, давоси ва профилактикасига янгича ёндошишни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2019-2021 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** бруцеллэзнинг сурункали шакллари билан касалланганларда антиоксидант тизими ҳолатини, касалликнинг клиник кечиши билан боғлиқлигини баҳолаш ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** Бухоро вилоятида бруцеллэзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шакллари билан касалланган беморларнинг клиник хусусиятларини аниқлаш;

бруцеллэзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шакллари билан касалланган беморларнинг қон зардобида яллиғланиш омилларини, DAS-28 электрон дастур орқали аниқлаш;

бруцеллэзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шакллари билан касалланган беморларнинг қон зардобида малондиальдегиди миқдорини касалликнинг кечиши бўйича аниқлаш;

бруцеллэзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шакллари билан касалланган беморларнинг қон зардобида умумий антиоксидант фаоллик ва каталаза фаоллигини касалликнинг кечиши бўйича аниқлаш;

комплекс даво муолажаларига антиоксидант Фосфаргинин сукцинатни киритиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бруцеллэзнинг бирламчи (n=22) ва иккиламчи сурункали шакллари (n=63) билан касалланган беморлар ҳамда назорат гуруҳига соғлом кишилар (n=20) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлардан олинган вена қони, қон зардоби ва пешоби олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун клиник, серологик (Хеддельсон ва Райт реакцияси), биокимёвий (малондиальдегид, каталаза, умумий антиоксидант фаоллик, С-реактив оқсил) ва статистик (Пирсон коэффициенти хи квадрат ( $\chi^2$ ) ва Фишер усули) усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бруцеллэзнинг иккиламчи сурункали шакли билан касалланган беморларнинг 80% да таянч-ҳаракат тизимининг шикастланиши кузатилиб, уларнинг 10,1% да юқори, 69,8% да ўртача ва 21,1% да эса шикастланиш паст фаолликда эканлиги исботланган;

бруцеллэзнинг иккиламчи ўчоқлари ҳисобига, беморларни қонида таёқча ядроли нейтрофиллар ва эозинофиллар микдорининг камайиши, моноцитлар сонининг эса ортиши асосланган;

бруцеллэзнинг сурункали шакли билан касалланган беморларда компенсатор механизм ҳисобига малондиальдегид ва С-реактив оқсилнинг ортиши исботланган;

бруцеллэзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда, липопероксидация жараёнлари жадаллашиб, умумий антиоксидант ва каталаза фаоллигининг пасайиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятида бруцеллэзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шакллари клиник кечиши асосланган;

бруцеллэзнинг сурункали шаклларида бўғим тизими яллиғланиш босқичини ва даволаш самарадорлигини баҳолашда DAS-28 компьютер дастуридан фойдаланиш имкониятлари яратилган;

бруцеллэзнинг сурункали шакллари патогенезида антиоксидант ҳимоя тизими ва липопероксидация жараёнларини эрта ташхислаш мақсадида қон зардобида МДА микдори, умумий антиоксидант ва каталаза фаоллигини, антиоксидант ҳимоя тизимининг компенсатор механизми кўрсаткичларидан фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган Фосфаргинин сукцинат препарати бруцеллэзнинг сурункали шакллари аъанавий даво стандартига нисбатан антиоксидант ва касалликнинг клиник белгиларини, DAS-28 дастури бўйича олинган натижаларига асосан эрта регрессия қилиниши жиҳатидан бирмунча устунлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда қўлланилган назарий ва амалий ёндашув ҳамда усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, серологик, инструментал ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот

натижаларининг илмий аҳамияти, аҳоли ўртасида бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шакли кенг тарқалганлиги, беморларда таянч- ҳаракат, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш ва юрак- қон томир тизими, асаб тизимининг шикастланиши билан кечиши, ушбу беморларда липопероксидация жараёнлари жадаллашиб, умумий антиоксидант ва каталаза фаоллиги пасайиши ҳамда малон диальдегиди ва С-реактив оқсилнинг ошиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, бруцеллёзнинг сурункали шакллари даволашда маҳаллий Фосфаргинин сукцинат препаратининг самарадорлиги, бемор саломатлигининг тез қайта тикланиши ва эрта ташхисоти ҳамда асоратларнинг олдини олиш ва беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 2 августдаги 23-Z/056-сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: бруцеллёзнинг иккиламчи сурункали шакли билан касалланган беморларнинг 80% да таянч-ҳаракат тизимининг шикастланиши кузатилиб, уларнинг 10,1% да юқори, 69,8% да ўртача ва 21,1% да эса шикастланиш паст фаолликда эканлиги исботланган. Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича (21.07.2023 й.; № 71) ва Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг (7.07.2023 й.; №77) буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда таянч-ҳаракат тизимининг зарарланиши DAS-28 компьютер дастури бўйича аниқлаш таянч ҳаракат тизимининг зарарланиш даражасини аниқлайди, уларни эрта ташхислаш даво муолажалари самарадорлигини мунтазам назорат қилиш, асоратлар ривожланиши ва ногиронликни олдини олади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда таклиф этилган инновацион диагностика усулини қўллаш қиммат рентген нури ва томография усуллари камайтириш ҳисобига ҳар бир беморга 35100 сўм сарф-харажатларни камайтириш мумкин. Хулоса: бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан оғриган беморларда инновацион ташхисот усуллари ёрдамида таянч-ҳаракат тизимидаги ўзгаришлар даражасини аниқлаш, даволаш, асоратлар ва ногиронликни олдини олиш, ҳар бир беморга 8 999 100 сўм сарф харажатларни камайтириш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: бруцеллёзнинг иккиламчи ўчоқлари ҳисобига, беморларни қонида таёкча ядроли нейтрофиллар ва эозинофиллар микдорининг камайиши, моноцитлар сонининг эса ортиши асосланган. Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича (21.07.2023 й.; № 71) ва Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг (7.07.2023 й.; №77) буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Фосфаргинин сукцинат препаратини қўллашда беморларининг периферик қонида лейкоцитозни бартараф

этилиши, таёқчасимон нейтрофиллар сонини ортиши ва моноцитларни камайишига олиб келди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморнинг шифохонадаги даври учун беморнинг шифохонада қолиш муддатини 17,0 кундан 15,9 кунга қисқарттириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 642818 сўмга камайтирилган; шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга ва бошқа дориларнинг қисқартрилиши ҳисобига ҳар бир беморга бир кунда 58438 сўм иқтисод қилинган. Хулоса: бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда касаллик ривожланишининг зўрайиши ва асоратланишининг олдини олиш мақсадида ташхисот жараёнини такомиллаштириш касалликни жадаллашиб бориши ва асоратларни камайишига ва ҳар бир беморга 642 818 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: бруцеллёзнинг сурункали шакли билан касалланган беморларда компенсатор механизм ҳисобига малондиальдегид ва С-реактив оксилнинг ошиши исботланган. Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича (21.07.2023 й.; № 71) ва Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг (7.07.2023 й.; №77) буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Фосфаргинин сукцинат препаратини қўллаш ёғларнинг перекисли оксидланишини сусайтириши ва антиоксидант ҳимоя тизими компенсатор механизмларнинг фаоллаштириши ҳисобига анъанавий даво муолажалари самарадорлигининг ошишига олиб келади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда таклиф этилган даволаш усулини қўллаш даволаш самарадорлигини оширади. Иқтисодий самарадорлик ҳар бир бемор учун 584380 сўмни ташкил қилди. Хулоса: бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан оғриган беморларда Фосфаргинин сукцинат препаратининг анъанавий даво муолажаларига киритилиши асоратлари ва ногиронликни олдини олиш, ҳар бир беморга 8 964 000 сўм сарф харажатларни камайтириш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда липопероксидация жараёнлари жадаллашиб, умумий антиоксидант ва каталаза фаоллигининг пасайиши исботланган. Бухоро вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бўйича (21.07.2023 й.; № 71) ва Жондор тумани тиббиёт бирлашмасининг (7.07.2023 й.; №77) буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг қон зардобида ЛПО жараёнларида малондиальдегид миқдорининг ортиши, антиоксидант ҳимоя тизимининг сусайиши ва унинг компенсатор механизмларининг пасайиш даражаси патологик жараённинг жадаллашиб бораётганидан ва даво муолажаларининг сустлигидан далолат беради. Бу эса касалликнинг тез-тез қайталаниши, ремиссия даврининг қисқариши, эрта ногиронлик ва беморлар ҳаёти сифатини сусайишидан далолат беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан оғриган

беморларда ёғларнинг перекисли оксидланиши, антиоксидант ҳимоя тизими фаоллигининг сусайиши, ҳамда унинг компенсатор механизмининг пасайиши организмда яллиғланиш ва емирилиш жараёнларини баҳолаш, даволаш, асоратлари ва ногиронликни олдини олиш, ҳамда сарф харажатларни камайтириш имконини берган. Хулоса: бруцеллэзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда таклиф қилинган махсус текшириш усуллари асосида тўғри даволаш имкони ортади, қайталанишларни назорат қилиш ва асоратлар ривожланишининг олдини олиш имконини беради.

М.А.Фарманованинг «Бруцеллэз инфекциясида антиоксидант тизимни клиник-биокимёвий баҳолаш ва даволашни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2022 йил 16 июлдаги 04/2642 сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, шулардан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Бруцеллэз касаллигини даволаш тадбирларини белгилашда антиоксидант тизимининг аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида бруцеллэзнинг этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, бруцеллэзни ташхислаш ва даволаш усуллари, липидларнинг перекисли оксидланиши, антиоксидант ҳимоя тизими ва касаллик кечишидаги аҳамияти тўғрисидаги адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган, муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни

талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Бруцеллёз касаллигининг ривожланишида эркин радикалли жараёнларнинг аҳамиятини баҳолаш бўйича материаллар ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олдинга қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларга кўра, тадқиқотда қўлланилган материал ва усулларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган. Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг диагностика бўлимида даволанган, вилоят эндемик ўчоқларида яшовчи 19-74 ёшда бўлган 85 нафар беморлар олинган. Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг периферик қони, қон зардоби ва пешоби олинган. Беморларнинг аксариятини 19-44 ёшдаги эркеклар ташкил қилган.

Бруцеллёзнинг сурункали шакллари ташхисини қўйишда республика стандартларидан, ҳамда К.Д. Жалилов томонидан (1988 й) тўлдирилган клиник таснифидан фойдаланилган. Клиник шакллари бўйича беморлар куйидагича тақсимланган: бруцеллёзнинг бирламчи сурункали шакли (ББСШ) билан касалланганлар 22 нафар (25,8%) ва бруцеллёзнинг икиламчи сурункали шакли (БИСШ) билан касалланганлар 63 нафар (74,2%). ББСШ гуруҳининг барчасида касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлган бўлса, БИСШ беморларнинг аксарият қисмида касалликнинг давомийлиги 2–3 йил бўлди (54,1%), 1 йилгача (19,5%) ва 4–5 йил (1,2%), 62,3% беморларда касалликнинг субкомпенсация, 37,7% беморларда эса декомпенсация босқичи кузатилган.

Барча беморлар 2 та гуруҳга ажратилган: 1–гуруҳга 39 нафар беморлар киритилиб, уларга анъанавий этиопатогенетик даво муолажалари (бактерияларга қарши антибиотиклар, яллиғланишга қарши ностероидлар, антигистаминлар, симптоматик препаратлар ва витаминлар) ўтказилган; 2-гуруҳга 46 нафар беморлар киритилиб, уларга анъанавий даво муолажалар негизида фосфаргинин сукцинат препаратини қунига 1 маҳал вена ичига томчилаб 3-5 кун давомида юборилган. Фосфаргинин сукцинат препарати қўлланган дори воситаси бўлиб фруктозо-1,6-дифосфат (FDP), L-аргинин ва қахрабо кислотадан иборат бўлиб, антигипоксик ва антиоксидантнинг самарадорлиги юқори, шунингдек клиник натижалар шуни кўрсатдики, касалликнинг асоратларини камайишига олиб келади. Препарат «TEMUR MED FARM» МЧЖ (Ўзбекистон)да ишлаб чиқарилган. Қўлланилган даволаш усулларининг самарадорлиги клиник мезонларни (касалликнинг клиник белгиларини даволаш негизидаги давомийлиги), бевосита даволашдаги самарадорлиги ва даволанишдан кейинги натижанинг давомийлигини ўрганиш асосида баҳоланган. Препаратнинг айнан клиник самарадорлиги жараёни ижобий томонга ўзгаришига қараб баҳоланган. Кейинги натижалар бемор касалхонадан чиққанидан сўнг клиник ремиссиянинг қандай даражада тўлиқлигига қараб баҳоланган.

**Клиник усул.** Умумклиник текшириш: анамнез маълумотларини йиғиш, динамикада касаллик клиник кечиши ва оқибатларини баҳолаш, қоннинг умумий клиник таҳлили.

**Серологик усул:** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Бактериологик,

вирусологик ва ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияларида ўтказиладиган лаборатория усуллари тақомиллаштириш тўғрисида» ги 2015 йилнинг 1 майидаги 177-сон буйруғининг 12-илоvasи (Бруцеллэз касаллигининг лаборатория ташхиси бўйича услубий кўрсатма) асосида бажарилди.

**Иммунофермент таҳлил усули:** Эркин радикалли оксидланиш жараёнларини баҳолаш учун малондиальдегиди (МДА) миқдорини А.И. Андреева ва муаллифлар (1989) усулидан, каталаза фаоллигини М.А. Коралюк ва муаллифлар (1988) усулидан, қон зардобининг умумий антиоксидант фаоллиги эса антиоксидант фаоллик тўплами ёрдамида аниқланган. Қон зардобиди С-реактив оксил (СРО) миқдори иммунофермент таҳлили усулида аниқланган. Натижалар ишлаб чиқарувчининг йўриқномаси асосида баҳоланди.

Бўғимлардаги ўзгаришларни ташхислаш учун DAS-28 электрон дастуридан фойдаланилган. DAS-28 индекси балларда баҳоланган. Беморларда паренхиматоз аъзоларнинг ультратовуш текширув усуллари (УТТ) LOGIQ V2/LOGIQ V1 аппаратида (GE Medical Systems SCS 283 rue de la Miniere 78530 BUC, France), бўғимлардаги дегенератив дистрофик ўзгаришлари рентген нур усулида Mobile Cooper аппаратида (Mobile Cooper Browiner Хитой) текширилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2013 дастурий пакетидан фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган вазифаларини қўлланилган тартибда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Бруцеллэзнинг сурункали шакллариининг клиник кечиши, шакли ва оғирлик даражасига кўра тавсифи**» деб номланган учинчи бобда бруцеллэзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда касалликнинг клиник кечиши ва эркин радикалли оксидланиш жараёнларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

ББСШ асосан навқирон ёшдагиларда ва касаллик давомийлиги 1 йилгача бўлган, ваҳоланки БИСШда 73% навқирон, 20,6%–ўртача ёшдагиларга ва касалликнинг давомийлиги 2–3 йил бўлганлиги аниқланди (54,1%). Беморлар асосан иситмалаш, ҳолсизлик, бош оғриғи, иштаҳанинг пасайиши, қалтираш, терлаш ва шу кабиларга шикоят қилдилар. Аммо, уларнинг учраши бруцеллэзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шаклларида турлича бўлди. Жумладан, таянч-ҳаракат тизими шикастланиши кўпроқ БИСШ га хос бўлиб, энг кўп шикастланишлар тизза бўғимида, кафт-болдир бўғимларининг шикастланиши кўпроқ ББСШ, тос-сон бўғимини шикастланиши 60-74 ёшдагиларда кўп учради.

DAS-28 бўйича бруцеллэзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шаклида  $3,95 \pm 0,13$  ва  $4,23 \pm 0,12$  баллни ташкил этди, мос равишда. БИСШда бўғимлар шикастланиши фаоллиги юқори бўлди: бруцеллэзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шаклида яллиғланиш фаоллиги ўртача даражада бўлди (68,2 ва 71,4%, мос равишда). Шу билан бирга беморларда ошқозон-ичак тракти, юрак қон-томир тизими ва нафас аъзолари, асаб тизими, сийдик

айириш аъзоларининг ҳам шикастланиши кузатилди. ББСШ субкомпенсация (54,5%) ва декомпенсация (45,5%) босқичи кузатилган бўлса, БИСШ – 77,3% субкомпенсация ва 22,3% декомпенсация босқичи кузатилди.

Барча беморлар серологик усулларда текширилганда, Хеддельсон реакцияси мусбат натижа берди, Райт реакциясининг натижаси асосан 1:200 титрни ташкил қилди.

Бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда гемоглобин миқдори ва периферик қонда эритроцитлар сонининг меъерий кўрсаткичларга нисбатан қисман пасайиши кузатилиб, беморларда тизимли касалликлар камқонлиги ривожланишига мойиллик аниқланди. Беморлар қонида таёқча ядроли нейтрофиллар ва эозинофиллар миқдорининг камайиши, моноцитлар сонининг ортиши аниқланиб, бруцеллёзнинг иккиламчи ўчоқларини тарқалишидан далолат беради. ЭЧТ нинг статистик ишонарли ортиши кузатилди. Бундай ўзгаришлар БИСШда яққолроқ намоён бўлди. Беморларнинг умумий сийдик таҳлили, уларда сийдик ажратув йўлларида маълум даражада яллиғланиш жараёнлари мавжудлигини кўрсатди.

Бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларнинг қон зардобиди СРО миқдорининг кескин  $0,76 \pm 0,04$  мг/млдан  $38,14 \pm 2,37$  мг/млгача (50,18 маротаба,  $P < 0,001$ ) ортганини кузатдик. Унинг миқдори ББСШ ва БИСШ гуруҳларида  $36,12 \pm 2,41$  ва  $39,78 \pm 2,19$  мг/млгача (47,53; ва 51,48;  $P < 0,001$  маротаба) ортиши кузатилди. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, СРО миқдори 50 мг/лдан юқори бўлса тизимли васкулит ривожланишидан далолат беради. Шунинг учун биз қон плазмасида СРО миқдорини градациялашга (белгилашга) ҳаракат қилдик: меъерий кўрсаткичлар - 10-25 мг/л, ўртача - 26-49 мг/л ва 50 мг/л юқори бўлса оғир даража деб ҳисобладик. Ўтказилган тадқиқотлар ББСШда ўртача ва юқори фаоллик 90,9 ва 9,1% ҳолатларда аниқланган бўлса, БИСШ да эса - 88,1 ва 11,9% аниқланди.

Шунингдек, биз беморларнинг қон зардобиди липидларни перекисли оксидланиши (ЛПО) жараёнларини МДА миқдори билан баҳоладик. Ўтказилган тадқиқотлар бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларда МДА миқдори 1,82 маротаба ортиши аниқланди ( $P < 0,001$ ). Агар ББСШда бу кўрсаткич 1,73 маротаба ортган бўлса, БИСШ да унинг ортиши 1,87 маротаба кўтарилди ( $P < 0,001$ ). Шунини айтиш жоизки, касалликнинг субкомпенсация босқичида МДА миқдори меъерий кўрсаткичларга нисбатан 1,74 га ортган бўлса, декомпенсация босқичида 2,37 маротаба ортиши кузатилди ( $P < 0,001$ ). Бу эса касалликнинг босқичларига кўра, эркин радикалли жараёнларни жадаллашиб боришини кўрсатади.

Маълумки, эркин оксидланишни меъерий балансини таъминлашда антиоксидант ҳимоя тизими муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда қон зардобининг антиоксидант тизимини баҳолашда умумий антиоксидант фаоллик ва каталаза ферменти фаоллиги аниқланади.

Бруцеллёзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шаклларида кўра, ЛПО ва антиоксидант тизими фаоллигининг ўзгариш таҳлили натижалари 1-

жадвалда келтирилган.

Жумладан, ББСШда умумий антиоксидант фаоллик ва каталаза фаоллиги 1,9 ва 1,98 ( $P<0,001$ ) маротаба пасайган бўлса, БИСШ - 1,46 ва 1,85 ( $P<0,001$ ) маротаба пасайди. Касалликнинг субкомпенсация даврида бу кўрсаткичлар 1,46 ва 1,41 ( $P<0,01$ ) маротаба пасайган бўлса, декомпенсация даврида 2,08 ( $P<0,001$ ) ва 1,51 ( $P<0,01$ ) маротаба пасайди. Шунинг айтиши жоизки, антиоксидант тизимнинг компенсатор механизмларини текширганимизда назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич  $0,560\pm 0,021$  нисбий бирликни ташкил қилган бўлса, ББСШ ва БИСШда унинг  $0,170\pm 0,02$  ва  $0,205\pm 0,014$  га пасайганини кузатдик ( $P<0,001$ ).

### 1-жадвал

#### Бруцеллёзнинг бирламчи ва иккиламчи сурункали шаклларида кўра, липидларнинг перекисли оксидланиши ва антиоксидант тизими фаоллигининг ўзгариши, $M\pm m$

Гуруҳлар	Малондиальдегид, нмоль/мл	Умумий антиоксидант фаоллик, ммоль/л	Каталаза фаоллиги, $XB10^4$ /мл
Назорат гуруҳи, (n=20)	$2,82\pm 0,12$	$1,58\pm 0,08$	$5,89\pm 0,3$
ББСШ, (n=85)	$5,12\pm 0,36^*$	$0,97\pm 0,04^*$	$3,04\pm 0,13^*$
ББСБ, (n=22)	$4,87\pm 0,41^*$	$0,83\pm 0,05^*$	$2,98\pm 0,19^*$
БИСБ, (n=63)	$5,26\pm 0,32^*$	$1,08\pm 0,06^*$	$3,17\pm 0,24^*$
Субкомпенсация, (n= 53)	$4,92\pm 0,28^*$	$1,08\pm 0,06^*$	$4,17\pm 0,22^*$
Декомпенсация, (n=32)	$6,67\pm 0,41^*$	$0,76\pm 0,03^*$	$3,87\pm 0,26^*$

**Изоҳ:** \* - назорат ва бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморлар кўрсаткичлари орасида фарқлар статистик ишонarli ( $P<0,05$ ).

Касалликнинг субкомпенсация даврида  $0,171\pm 0,012$  нисбий бирликкача, декомпенсация босқичида эса  $0,094\pm 0,006$  нисбий бирликкача пасайишини кузатдик ( $P<0,001$ ). Бруцеллёзнинг сурункали шаклида липид перекис оксидланишнинг жадаллашиши, умумий антиоксидант ҳимоя ва каталаза фаоллигининг қон зардобидида пасайиши кузатилиб, бундай ўзгаришлар антиоксидант ҳимоя тизимининг компенсатор механизмини сусайиб боришидан далолат беради.

Диссертациянинг «Бруцеллёзнинг сурункали шаклларида клиник кечишига ва липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнларига Фосфаргинин сукцинат препаратини таъсирини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларни даволашда фосфаргинин сукцинат препаратининг самарадорлигини баҳолаш таҳлили натижалари баён этилган.

Илмий ишимизнинг кейинги босқичида бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморларни анъанавий даволашга қўшимча равишда Фосфаргинин сукцинат препаратини қўллашни мақсад қилиб қўйдик. Фосфаргинин сукцинат дори воситасини парентерал вена ичига 50-

100 мл интоксикацион белгилари пасайгандан сўнг 3-5 кун давомида қўлланилди.

Таклиф этилаётган даволашдан сўнг, беморларнинг аҳволини бир мунча яхшиланишига олиб келган. Жумладан, қалтираш, иситмалаш ва лимфа тугунларининг катталаниши аънанавий даводан сўнг бутунлай бартараф этилган (2- жадвал).

Ҳолсизлик ва терлаш ҳолатлари 1,81 ва 24,6 маротаба, бош оғриғи, уйқунинг бузилиши, иштаҳанинг пасайиши, терининг рангпарлиги ва намлиги 4,01; 5,0; 3,4; 3,04 ва 9,54 маротаба мос равишда камайган.

Аънанавий давога Фосфаргинин сукцинат препаратининг киритилиши тилнинг қуриши, ич кетиши ва спленомегалияни бартараф этилишига олиб келди.

## 2- жадвал

### Бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан оғриган беморларни такомиллаштирилган даволашдан олдин ва кейинги шикоятларининг таҳлили натижалари (n=46)

Клиник белгилар	Даволашдан олдин		Даволашдан кейин	
	м.р.	%	м.р.	%
Ҳолсизлик	36	78,3	7	15,2
Қалтираш	21	45,6	0	0
Иситмалаш	35	76,1	0	0
Терлаш	27	58,7	0	0
Бош оғриғи	34	73,9	2	4,3
Уйқунинг бузилиши	17	36,9	0	0
Иштаҳа пасайиши	29	63	1	2,1
Тери рангпарлиги	10	21,7	1	2,1
Терининг намлиги	22	47,8	2	4,3
Лимфа тугунларининг катталаниши	31	67,4	0	0


Тилнинг қараш боғлаган ва гепатомегалия симптомлари 11,6 ва 8,7 маротаба камайиб 2 нафар (4,3%) ва 2 (4,3%) беморларда сақланиб қолган (3- жадвал).

## 3- жадвал

### Бруцеллёзнинг сурункали шакллари билан оғриган беморларда аънанавий даво ва Фосфаргинин сукцинатни қўллашдан олдин ва кейинги овқат ҳазм қилиш тизимидаги ўзгаришлар частотаси (n=46)

Клиник белгилар	Даволашдан олдин		Даволашдан кейин	
	м.р.	%	м.р.	%
Тил қараш боғлаган	23	50	2	4,3
Қуруқ	15	32,6	0	0
Жигар катталаниши	17	36,9	2	4,3
Талоқ катталаниши	3	6,5	0	0
Ич кетиши	5	10,8	0	0

Шуни айтиш жоизки, бруцеллёзнинг сурункали шаклларида анъанавий даволаш юқорида қайд этилган клиник белгиларни даволашнинг 10-16-кунларида аста-секинлик билан камайиб борди. Уларнинг бутунлай бартараф этилиши турлича бўлди. Анъанавий даво натижасида овқат ҳазм қилиш, юрак-қон томир, нафас, таянч-ҳаракат тизимларига шикоятлар 5-25% беморларда сақланиб қолган. Таянч-ҳаракат тизим касалланиш фаоллигини DAS-28 бўйича таҳлил қилганимизда анъанавий даводан сўнг бу кўрсаткич  $4,4 \pm 0,11$  балдан  $2,7 \pm 0,1$  балгача пасайиши, яъни 1,63 мартаба пасайиши кузатилди ( $P < 0,05$ ). Тана ҳароратининг кўтарилиши, қалтираш ва терлаш даволашнинг  $12,4 \pm 5,1$ ;  $14,8 \pm 4,4$  ва  $15,9 \pm 5,3$  кунларида бартараф этилган бўлса, умумий ҳолсизлик ва бош оғриғи даволашнинг  $19,2 \pm 4,8$  ва  $19,1 \pm 5,9$  кунларида бартараф этилди. (1-расм).



**1-расм. Бруцеллёз сурункали шакли билан касалланган беморларни анъанавий даволаш ҳамда Фосфаргинин сукцинат билан биргилекда даволашда клиник кўринишларни бартараф этиш муддатлари (кунларда)**

Жами беморлар стационарда  $17,0 \pm 5,5$  кун даволандилар. Умуман олганда, ББСШни анъанавий даволаш натижасида 5,1% беморларда клиник соғайиш кузатилди. БИСШда анъанавий даволашдан сўнг 7,7% беморларда соғайиш, 10,3% - клиник соғайиш, 71,8% - ремиссияга чиқиш ва 5,1% - самара бўлмади. Ушбу ҳолат бизнинг фикримизча, метаболик бузилишларни бартараф этилмаслиги ҳисобига бўлиб касалликнинг қайталанишга олиб келиши мумкин.

Метаболик бузилишларни бартараф этиш мақсадида этиопатогенетик давога Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган Фосфаргинин сукцинат дори воситаси қўлланилди. Тавсия этилган такомиллашган терапия беморларнинг аҳволини яхшиланишига олиб келган, жумладан, қалтираш, иситмалаш, терлаш, уйқуни бузилиши ва лимфа тугунларининг катталаниши даводан сўнг бутунлай бартараф этилган. Ҳолсизлик ҳолати 15,2%, бош оғриғи, иштаҳанинг пасайиши, терининг рангпарлиги ва намлиги 4,3; 2,1; 2,1 ва 4,3%


беморларда мос равишда сақланиб қолган.

Жумладан, тана ҳароратининг кўтарилиши, қалтираш ва терлаш даволашнинг  $10,3\pm 4,8$ ;  $11,2\pm 3,9$  ва  $13,3\pm 4,8$  кунларида бартараф этилган бўлса, умумий ҳолсизлик ва бош оғриғи даволашнинг  $16,2\pm 4,6$  ва  $14,8\pm 4,6$  кунларида йўқолди, мос равишда. Анъанавий даволаш натижасида овқат ҳазм қилиш, юрак-қон томир, нафас, таянч-ҳаракат тизимларига шикоятлар  $3,2-12,5\%$  беморларда сақланиб қолган. Таянч-ҳаракат тизимининг касалланиш фаоллигини DAS-28 бўйича таҳлил қилганимизда, анъанавий даволашдан сўнг, ушбу кўрсаткич  $4,25\pm 0,12$  балдан  $1,087\pm 0,04$  балгача пасайиши кузатилди ( $P<0,05$ ). Жами беморлар стационарда  $15,9\pm 5,4$  кун даволандилар.

Умуман олганда ББСШни таклиф этилаётган даволаш натижасида  $6,5\%$  беморларда соғайиш,  $2,2\%$  - клиник соғайиш ва  $34,7\%$  - клиник ремиссия кузатилди. БИСШда  $2,2\%$  беморларда соғайиш,  $6,5\%$  - клиник соғайиш,  $47,8\%$ - ремиссия кузатилди.

Анъанавий даволаш усулига нисбатан тавсия этилаётган даво самарали бўлиб, касалхонада ётган кунлар қисқаришига, клиник белгиларнинг эрта бартараф бўлишига ҳамда беморларда клиник ремиссия, соғайишнинг юқори бўлишига олиб келди. Шу билан бирга бу гуруҳда гематологик ва пешобдаги ўзгаришлар бартараф этилган. Қўлланилган Фосфаргинин сукцинат этиопатогенетик даволашга салбий таъсир этмайди, балки унинг самарадорлигини оширди. Анъанавий давога Фосфаргинин препаратининг киритилиши юрак-томир ва нафас тизими аъзоларига ижобий таъсир этиб, беморларда клиник симптомларни бартараф этилишига олиб келди.

Ўтказилган тадқиқотлар, бруцеллэзнинг сурункали шакллари даволашда қўлланилган анъанавий даволаш беморларнинг қон зардобиди СРО ўта юқори миқдорини статистик ишонарли пасайтирди:  $36,81\pm 3,23$  мг/млдан  $13,17\pm 1,03$  мг/млни ташкил қилди (2-расм).



**Изоҳ:** \* - Бруцеллэзнинг сурункали шакллари билан касалланган беморлардаги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқнинг ишончилиги ( $P<0,05$ ).

